5.113
(5Ў)
Ў 30

ЎЗБЕКИСТОН
ОБИДАЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

ФАРҒОНА

ARXITEKTURNAYA ENTSIKLOPEDIYA O'ZBEKISTANA

FARG'ONA

ARCHITECTURAL ENCYCLOPEDIA OF UZBEKISTAN

FERGANA



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади
Посвящается 25-летию государственной независимости Республики Узбекистан
Dedicated to the 25th anniversary of Uzbekistan's national independence



ТОШКЕНТ • «UZBEKISTAN TODAY» • 2016



Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ислом КАРИМОВ

Более четырех тысяч памятников материальной и духовной культуры, имеющихся в нашей стране, внесены в список ЮНЕСКО в качестве редчайших образцов всемирного наследия.

Древнейшие образцы письменности на камне, разные виды эпиграфики, образцы устного народного творчества, а также тысячи рукописей, созданных мыслью и гением наших предков, хранятся сегодня в библиотеках страны и являются великим духовным достоянием. В мире не так уж много народов, обладающих таким огромным духовным наследием.

Ислам КАРИМОВ

Uzbekistan is home to more than 4,000 monuments of material and spiritual culture, which have been included in the UNESCO World Heritage List as rare samples of world heritage.

The earliest patterns of stone inscription, various epigraphic types of writing, folklore and thousands of manuscripts created by the thought and the genius of our ancestors are kept in the libraries of our country and they constitute our immense cultural wealth. Few nations in the world can boast so tremendous a spiritual legacy.

Islam KARIMOV



АРХИТЕКТУРНАЯ ЭПИГРАФИКА УЗБЕКИСТАНА

ФЕРГАНА

ARCHITECTURAL EPIGRAPHY OF UZBEKISTAN

FERGANA



Худоё, балоларни қайтаргил,
Офатлардан Сен бизларни сақлагил,
Муҳаммаднинг ҳар икки кокили ҳурмати,
Бизга зўравонлик қилувчиларни яксон қилгил.

О Боже, храни нас от бед,
Отврати нас от несчастий,
Ради двух локонов Мухаммада
Уничтожь насилие совершающих.

O God, avert misfortune from us,
Save us from mishaps,
For the sake of two curls of Muhammad,
Destroy those who commit violence.

ЎЗБЕКИСТОН ОБИДАЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

ФАРҒОНА

ТОШКЕНТ • «UZBEKISTAN TODAY» • 2016

Ўзбекистон бугунги кунда эпиграфика ёдгорликлари миқдори ва ноёблиги жиҳатидан Марказий Осиёда етакчи мамлакат экани аниқ, уларнинг аксар қисми олдин ўрганилмаган. Ижодий гуруҳ кўп йиллар давомида ушбу ноёб ёдгорликлар ёзувларини синчиклаб ўрганди ва талқикотларининг илк натижаларини «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» номли кўп жилдлик нашрга жамлади.

Мазкур кенг кўламли тадқикот лойиҳасининг илмий-маданий аҳамияти ва қийматини жаҳоннинг етакчи олимлари берган ижобий тақризлари ва юксак баҳоларида ҳам кўриш мумкин. Халқаро китоб кўргазмаларида альбомларнинг намуна тарзида нашр қилинган нусхаларига катта қизиқиш билдирилди.

Мана юз йилдирки, кўплаб мутахассислар ушбу битикларни тадқик қилишга уриниб келмоқдалар. Маҳоратли усталар томонидан битилган асрий монограмма ва бошқа матнларнинг тўғри талқини борасида юзага келган илмий мунозаралар бугун ҳам давом этмоқда. Аммо қадимий ўзбек заминида жойлашган тарихий обидалардаги битикларни ўрганиш шу пайтгача тўлалигича амалга оширилмаган, шу билан бирга чоп ҳам этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги қўлга киритилганидан сўнг илк марта қадимги китоба битикларни тадқик этиш, уларни ўқиш ва аниқлаштириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш, шунингдек, ана шу ёдгорликларнинг мамлакат, минтақа тарихида тутган муносиб ўрнини қайтариш имконияти яратиб берилди.

Тақдим этилаётган туркум йирик лойиҳанинг биринчи боскичи якунларини ўзида мужассам этган бўлиб, бу борада ишлар яна давом эттирилади ва кейинги жилдлар бутун Ўзбекистон обидаларидаги ўрганилмаган китоба битикларни камраб олади.

Шу боисдан ҳам ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади.

Фарғона водийси Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Водийдаги тарихий ёдгорликларнинг асосий қисми Фарғона вилоятида сақланиб қолган.

Мазкур нашр оркали Фарғонанинг ўтмиш маданиятидан хабар берувчи меъморий обидаларнинг деярли янгидан тикланган тарихининг киска шакли, илк бор улардаги битиклар талқини тақдим этилмоқда.

Китоб-альбом мутахассислар, талабалар ҳамда мамлакатимизнинг бой тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Узбекистан является безусловным лидером в Центральной Азии по количеству и уникальности эпиграфических памятников, подавляющая часть которых ранее не была изучена. Творческая группа на протяжении многих лет кропотливо изучала эти уникальные памятники письменности, собрав первые результаты своих исследований в многотомном издании «Архитектурная эпиграфика Узбекистана».

О важном научно-культурном значении и ценности этого масштабного исследовательского проекта свидетельствуют положительные рецензии и высокие оценки известных в мире ученых. Варианты изданных альбомов вызвали большой интерес на международных книжных ярмарках.

Вот уже на протяжении столетия многие специалисты пытались расшифровать эти надписи, а научные споры о достоверности прочтения многовековых монограмм и других текстов, исполненных талантливыми мастерами, продолжаются и сегодня. Однако полной расшифровки эпиграфики исторических памятников, расположенных на древней узбекской земле, до сих пор не было, равно как и их публикации.

Проводимая работа по исследованию, расшифровке и прочтению древних надписей впервые стала возможной только благодаря обретению Республикой Узбекистан государственной независимости, вернувшей памятникам достойное место в истории. Представленная серия книг знаменует собой первый этап реализации проекта, работа над которым будет продолжена в следующей серии, которая охватит неизученные эпиграфические надписи по всему Узбекистану.

В связи с этим издание посвящается 25-летию со дня обретения государственной независимости Республикой Узбекистан.

Долина Ферганы является одним из очагов древней культуры Узбекистана. Большая часть исторических памятников долины сохранилась в Ферганской области.

В этом издании впервые публикуется эпиграфика архитектурных памятников, которые дают сведения о культуре Ферганской области в прошлом.

Книга-альбом рассчитана на специалистов, студентов и широкий круг читателей, интересующихся богатой историей нашей страны.

Uzbekistan is the undisputed leader in Central Asia in the number of unique and epigraphic monuments, most of which have not previously been studied. The creative team has for many years been carefully studying these unique writing monuments and presents the first results of their research in a multi-volume edition, «The Architectural Epigraphy of Uzbekistan». The rave reviews and high assessment by world-famous scholars bear testimony to the cultural significance and value of this large-scale research project while versions of published albums have aroused great interest at international book fairs.

Over centuries, many experts have tried to decipher these inscriptions, and scientific debate about the correctness of the reading of the centuries-old monograms and other texts made by talented craftsmen continues even today. However, a complete deciphering of epigraphy monuments located in the ancient Uzbek land – as well as their publication – has still not been made.

The ongoing work on the study, reading and deciphering of ancient inscriptions became possible only after Uzbekistan gained its independence, returning these monuments their rightful place in history.

The represented series of books signifies the first stage of implementation of this major project, work on which will be continued in the next series that will cover unexplored epigraphic inscriptions across Uzbekistan.

In this regard, this edition is dedicated to the 25th anniversary of the independence of the Republic of Uzbekistan.

The Fergana Valley is one of the seats of Uzbekistan's ancient culture. The bulk of ancient landmarks have survived in this region.

For the first time, this publication presents architectural epigraphy that provides data on the ancient culture of Fergana Region.

This album is intended for specialists, students and all those interested in the rich history of our country.

ISBN 978-9943-4510-4-9

© «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги, 2016
© Фирдавс Абдухоликов, Баҳром Абдуҳалимов, Салима Файзиева, 2016
© Фотоматериаллар. «Darakchi Inform Servis» МЧЖ, 2016

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг холис ва ҳаққоний тарихини қайта тиклаш, ёшларни қадимий анъаналарга меҳр-муҳаббат, бағрикенглик ва бунёдкорликка интилиш руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб эта бошлади. Мамлакатимизнинг бой тарихини тушуниш, маънавиятни тиклаш, халқнинг ўзлигини англаши ва миллий ғурурни ҳис қилишини юксалтириш жараёнларида муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада тарихий-маданий мерос, хусусан, меъморчилик обидалари ва улардаги битикларни ўрганиш, айниқса, муаллифлар жамоаси томонидан Фарғона вилоятидаги меъморчилик обидалари тарихи ҳамда уларда битилган битикларга бағишланиб тайёрланган ушбу китоб-альбом алоҳида роль ўйнайди.

Фарғона водийси турли даврларда алоҳида давлат уюшмалари таркибида бўлган. XVIII асрнинг бошларидан 1876 йил 19 февралига қадар Фарғона водийси Қўқон хонлиги таркибидаги энг асосий ҳудудлардан бир бўлиб, унинг муҳим иқтисодий ва сиёсий маркази эди. Ушбу ҳудудда тарихнинг турли даврларига оид кўплаб тарихий обидалар сақланиб қолган. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: *«Фарғона вилоятининг ўзига хос яна бир жиҳати – бу ерда турли даврларда барпо этилган Мадрасаи Мир, Дахмаи Шоҳон, Модари хон дахмаси, Худоёрхон ўрдаси каби кўплаб тарихий обидалар, Пошшопирим, Биби Убайда, Соҳиби Ҳидоя каби муқаддас жойлар халқимизнинг юксак меъморчилик санъати, аждодларимизнинг яратувчилик салоҳиятидан, пири комиллигидан далолат беради»*[1].

Хоуханьшу, Бейши, Таньшу каби қадимий Хитой манбаларида Фарғона водийси (Даван/Дай-юан, Полона, Фар-ги, Фар-ши каби турли номлар билан) Хитойга машҳур «учар» отлар, турли гиёҳ ва дарахтларнинг навлари келтирилган бой вилоят сифатида тасвирланган. Фарғонадан ўтадиган карвон йўли Ши (Чоч/Тошкент), Самарқанд, Бухоро ва Тоҳаристонга олиб борган[2]. VIII асрнинг бошлари, яъни арабларнинг Марказиё Осиёга юриши даврида Фарғона аҳли уларга қаттиқ қаршилик кўрсатган[3]. Кейинчалик айни шу ердан бир қатор машҳур мусулмон уламолари етишиб чиққан[4].

IX асрнинг бошида Сомонийлар сулоласининг (821–999) илк ҳукмдорларидан Аҳмад ибн Асад Фарғона водийсини қўл остига олади. Ушбу сулоланинг юксалиши айнан мана шу ердан бошланган. Сомонийлар ҳукмдорлиги даврида Фарғона моддий ва бадиий маданият, айниқса, сопол ва металл буюмлар ишлаб чиқаришнинг ҳар хил турлари ривожланган сиёсий, савдо-сотиқ ва маданий марказга айланади.

Бу каби ҳолат Қорахонийлар (992–1211) ҳукмдорлиги даврида ҳам сақланиб қолади. Фарғона водийсининг шаҳарларидан бири Ўзганд машҳур ҳукмдор Илик Насрнинг (1002–1020) пойтахти бўлган. Ўша даврдаги Фарғона водийсининг энг катта шаҳри Ахсикент (Ахсикат) ҳам Қорахонийларнинг йирик ва бой мулкларидан эди[5].

Мўғуллар даврида, яъни XIII асрнинг бошидан иккинчи ярми бошигача – Чиғатойлар сулоласи (XIV аср) ҳукмронлигига қадар гарчи халқаро савдо йўллари йўналишининг ўзгариши водийнинг Хитойга ўтадиган сав-

[1] *Каримов И.* Халқ ишончи – олий масъулият. 142-б.

[2] *Хўжаев.* Фарғона тарихига оид маълумотлар. 13-б; *Заднепровский.* Древнеземледельческая культура. 171 183-бетлар; *Бабаджанов.* Кокандское ханство. 90-б.

[3] Фарғонага оид бошқа маълумотлар ҳақида Андижон, Наманган вилоятларига бағишланган альбомларининг кириш сўзига қаралсин.

[4] *Корнев.* Фарғона фикҳ мактаби. 39–112-бетлар.

[5] *Бабаджанов.* Кокандское ханство. 384–385-бетлар.

до йўллари ҳудуди сифатидаги аҳамиятини камайтирган бўлса-да, Фарғона муҳим транзит ҳудуди мақомини сақлаб қолди. Бу ҳол қисман ҳунармандчилик таназзулига олиб келган[6].

Амир Темур ҳукмронлиги даврида (1370–1405), айниқса, у Қизил Ўрдани тормор қилгандан кейин Хитойни Марказий Осиё оркали Европа билан боғлаб турувчи муҳим савдо йўли яна Фарғона водийси ҳудудидан ўта бошлади. Шу туфайли ҳам бу ерда шаҳарлар, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалигида ривожланиш кузатила бошланди. Темурийлар даврида ҳам Фарғона муҳим марказ сифатида қолди. XVI – XVII асрларда ушбу шаҳар шайбонийлар ва аштархонийлар давлати таркибига кирган. XVII асрнинг охирида эса унинг ҳудудида номи Қўқон шаҳри номи билан ҳамоҳанг мустақил Қўқон хонлиги юзага келади.

Таъкидлаш жоизки, айнан Қорахонийлар даврида, яъни XI–XII асрларда кўплаб зарб этилган мис тангаларда (фельс – қадимий араб тангалари) илк марта خوقند/Хўқанд деб кўрсатилган[7]. Бироқ бу ернинг жойлашиши ҳеч қайси аҳоли пунктига мос келмайди. Фақатгина пойтахт ҳамда давлат номи қадимий «Хўқанд» фонемаси билан ифодаланиши янги сулола томонидан бежиз танланмаган, деб тахмин қилиш мумкин.

Қўқон X–XII асрлардаги айрим араб сайёҳлари асарларида эслаб ўтилган. Жумладан, ал-Истахрий, Хўқанд (خواقند) Сўхдан бир кунлик йўлда жойлашган ҳамда Ахсикатдан ҳам бир кунлик манзил, яъни ҳозирги жойлашган ерида мавжуд бўлганини ёзган[8]. Ибн Хавқал асарида Қўқон – Фарғонадаги ўнта вилоятдан бири – Юкори Насёга қарашли аҳолиси кўп шаҳар сифатида қайд этилган[9]. Муаллифи номаълум «Ҳудуд ал-олам» асарида эса гавжум шаҳар сифатида тилга олиниб, кўплаб экинзор далалари мавжудлиги қайд этилган[10].

Фарғона вилоятидаги бошқа бир қадимий шаҳар – Марғилон, араб сайёҳлари ва географларининг йўл хотираларида қалъа ва жоме масжидига эга бўлган ўртача катталикдаги шаҳар сифатида таърифланган[11].

«Қўқон» тарихий-географик тушунчаси остида XVIII асрнинг биринчи чораги охирида асос солинган Қўқон хонлиги, айни пайтда унинг пойтахти тушунилади. Қўқонлик муаррихлар маълумотига кўра, (Ҳакимхон тўра, Акмал Хўқандий, Мирзо Олим Муширф, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний ва бошқалар) пойтахт 1153/1740–1741 йилда минг уруғининг оқсоқоли Абдураҳимбий (1722–1734) томонидан Тарғова, Деҳқонтўда қишлоқлари ҳудудида барпо этилган. Мазкур муаррихларнинг айримлари бу воқеанинг таърих-хронограммасини келтириб, ундаги «مظهر آباد» – «Мазҳаробод» («Ободонликнинг пайдо бўлиши/мужассами») жумласини таърих моддаси сифатида кўрсатадилар. Бу таърих – хронограммадаги ҳарфларнинг (абжад ҳисоби бўйича) қиймати ҳисобланганда – 1153/1740 ҳижрий йил ҳосил бўлади. Кейинроқ шаҳар Абдураҳимбийнинг авлоди Эрдонабий (1750–1775/76) ва унинг ворислари томонидан узил-кесил ободонлаштирилган[12]. Минг уруғи қўшни мулкларни ўзига бўйсундирган ва Қўқон хонлиги номи билан машҳур бўлган янги давлатга асос солган сулолага айланган. Чунончи Хитойлар Норбўтабийни (1770–1799) хон сифатида тан олиб, у билан дипломатик алоқа ўрнатишган[13].

Қўқон хонлигига асос солинган сана

[6] Бабур-наме. 32, 57–70-бетлар ва бошқ; *Бартольд.* Фергана. 527–538-бетлар; *ўша муаллиф.* Коканд. 462–46-бетлар; *ўша муаллиф.* Туркестан. 81, 260–67-бетлар, 281-б, 347-б, 435-б; *Наливкин.* Краткая история Кокандского ханства. 3–17-бетлар; *Бейсембиев.* «Тарих-и Шахруҳи». 60–73-бетлар; *Beisembiev.* Ferghana's Contact with India: Livi. The Ferghana Vally. 214–222-бетлар.

[7] Танга т.ф.н. *А.Отахўжаев* архивида. Фурсатдан фойдаланиб танга билан таништиришга имкон берган учун унга ўз ташаккуримизни билдирамиз.

[8] *Бартольд.* Туркестан. 214-б.

[9] *Ибн Хавқал.* Мовароуннаҳр. 80-б.

[10] Ҳудуд ал-олам. 16-б.

[11] *Бартольд.* Туркестан. 314-б, 315-б.

[12] Ҳозирги Қўконга асос солиниши ҳақидаги муаллифлар версиялари тўғрисида тўлиқроқ қаранг: *Бабаджанов.* Кокандское ханство. 377–387-бетлар; *В.В. Бартольд.* энг кейинги манбалардан бўлмиш «Тарихи Шохруҳийя»га асосланиб бошқа саналарни беради. Аммо бу маълумотлар жуда эскирган. (*Бартольд.* Коканд. 462-б).

[13] *Бартольд.* Коканд. 462-б.

ҳақидаги маълумотлар ҳозиргача мунозарали бўлиб қолмоқда. Илмий ишларда ушбу сана кўпроқ янги сулола ҳукмдорлари ўзларини «хон» деб эълон қилган вақтни 1810 йилдан бошлаб кўрсатилади. Лекин пойтахт барпо этилиши давлатчиликнинг асосий белгиларидан бири (атрибути) эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, унча катта бўлмаган, бироқ мустақил Қўқон давлатига асос солинишини XVIII асрнинг биринчи ярмидан ҳисоблашга тўғри келади. Айнан мана шу жиҳат эътиборни тортадики, Қўқонда илк мис тангалари (мустақил давлат белгиларидан бўлмиш), тахминан XVIII асрнинг иккинчи ярмида зарб қилинган ва улар Эрдонабий ҳукмронлигининг охиригача номсиз бўлган[14].

Айтиш зарурки, *«Қўқон хонлигининг юз эллик йилдан ортиқ тарихи давомида унинг ҳудуди ўзгариб турган. Тарихий манбаларда «Бешинчи иқлим»га мансуб деб аталувчи Фарғона водийси Қўқон хонлигининг асосий тарихий-географик ўзагини ташкил этган. Водийнинг ўзи эса тоғ тизмалари билан ўралган (Помир-Тяньшан тизмалари) ва Мовароуннаҳр (Трансоксиана)нинг ғарбий туманлари билан туташиб кетган. XIX асрнинг бошидан Қурама (Сирдарё ўрта оқимининг ўнг қирғоғи), Тошкент воҳаси (ҳозирги Қозоғистоннинг жанубий ва жанубий-ғарбий) ерлари, Еттисув ва то Иссиққўл қирғоқларигача бўлган ҳудудлар хонлик таркибига кирган. Тарихий номларини ҳозиргача сақлаб келаётган Қоратегин, Дарвоз ва Кўлоб сингари жанубдаги тоғлик вилоятлар ҳам Қўқонга тобе бўлган. Ғарбдаги Хўжанд ва қўшни Ўратепа мулки ҳам кўпинча Қўқонга вассал (қарамлик) мақомида бўлган. Хонликдаги энг йирик вилоятлар (шаҳар марказларини қўшган ҳолда) Қўқон ва унинг атрофи, Марғилон (водийнинг жанубий-ғарбида), Косоннинг шимолий вилоятлари, Хўжанд (унга туташ Наманган билан), Андижон ва Ўш (шарқда), Қурама (Сирдарёнинг ўрта оқими) ва Тошкентдан иборат эди»*[15].

1876 йил 19 февралда Россия империяси Қўқон хонлигига барҳам бергандан кейин унинг ҳудудида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган Фарғона вилояти ташкил этилади. 1938 йил 15 январдан унга Ўзбекистон таркибидаги вилоят мақоми берилган. У Республиканинг шарқида, Фарғона водийсининг жанубида жойлашган. Бугунги кунда шимолдан Наманган, Андижон вилоятлари, жануб ва шарқдан Қирғизистон, ғарбдан Тожикистон Республикалари билан чегарадошдир[16].

Ўзбекистоннинг қадимги тараққиёт ўчоқларидан бири бўлган Фарғона водийси ёдгорликлари тадқиқи шуни кўрсатмоқдаки, бу ҳудудда мил. ав. II мингинчи йилликнинг охирги чорагидан бошлаб, дастлаб деҳқончилик манзилгоҳлари, кейин қалъа-кўрғонлар, сўнгра эса илк шаҳарлар пайдо бўлган[17].

Фарғона вилояти водийнинг асосий иқтисодий ва сиёсий маркази эди. Тарихий ёдгорликларнинг асосий қисми ҳам шу ерда сақланиб қолган.

Фарғонанинг меъморий обидалари ва қисман уларнинг эпиграфикаси А. Писарчик, И. Бородина, И. Азимов, С. Васильев, М. Юсупова, Я. Кавахара, Н. Абдулаҳатов ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган[18].

Фарғона водийсида исломгача бўлган даврга оид эпиграфика ёдгорликлари, афсуски, бармоқ билан санарли, улар ҳам асосан ҳар хил буюмлардаги туркий-руний битиклар бўлиб, унча катта бўлмаган фрагмент шаклида сақланган[19].

Ислом даврига оид битикларга келадиган бўлсак, Қўқон ва Фарғона музейларида экспонат сифатида сақланаётган айрим ар-

[14] Марказий Осиё нумизматикаси бўйича мутахассис В.Н. Настич маълумоти.

[15] *Бабаджанов.* Кокандское ханство. 90-б.

[16] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 9. 194–195-бетлар; *Матбобоев.* Қадимги Фарғона ... маданияти. 6-б.

[17] *Матбобоев.* Қадимги Фарғона. 6–7-бетлар.

[18] *Писарчик.* Полевой отчет; *Воронина.* Народая архитектура; *Бородина.* Дневник; *Азимов.* Фарғона водийси; *Юсупова.* Колониальная архитектура Ферганской долины; Mazar Documents; *Абдулаҳатов.* Фарғона водийси аҳолиси ҳаётида иншоотлар ва ҳ.к.

[19] *Васильев.* Графический фонд памятников. 41–42-бетлар.

хеологик топилмалар (кабртошлар, меъморий кошинлар)ни ҳисобга олмаганда, улар кувонтирадиган даражада сероб эмас. Табиий офатлар ва турли тузум давридаги мажбурий буздиришлар мавжуд ёдгорликлар сонини ниҳоятда камайтириб юборган. Бугунги кунгача сақланиб қолган битиклар Минг сулоласи даврига мансуб (XVIII асрнинг боши – 1876 йил).

Олимларнинг фикрига кўра, Қўқон хонлиги даврида кенг кўламли қурилиш ва ирригация ишлари олиб борилган, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга катта аҳамият берилган. Бу вақт мобайнида ўнлаб кўприклар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, йўллар, юзлаб масжидлар, мадраса ва мақбаралар қурилган[20]. Масалан, тарихчилардан бири Маҳмуд Ҳаким Яйфоний (1850–1930) шундай тасвирлайди: *«...Алҳолки, жойи бозор ва мадрасайи Олийни, ўрда ва арки олий бино, айлаб анга «Эски Ўрда» ном қўйдилар. Ва ул қасри Олий барфо бўлгандин кейин шаҳарни(нг) атрофига қалъаи рафеъ ва баланд бино айлаб, бул қалъага бир неча дарвоза насиб айладилар. Чунончи, дарвозаи Исфара, дарвозаи Марғинон, дарвозаи Қатағон ва дарвозаи Тошканди ён ва дарвозаи Ҳайдарбек ном қўйдилар»*[21]. Кейинроқ, шаҳарни ўраб турган деворлар қайта қурилиб, кенгайтирилди. Жами дарвозалар сони ўн иккитага етган[22].

Хонлик ҳудудида унинг ҳукмдорлари томонидан бир нечта қароргоҳ – қалъа, қаср, сарой, ўрда, шунингдек, Қўқон хонлари ва маликалари дахмаси қурдирилган[23]. Масалан, Норбўтабий, Умархон, Муҳаммад Али/Мадалихон (1822–1842) Худоёрхон, Насриддинбек ва бошқалар томонидан Қадамжой, Дахмаи шоҳон, Дахмаи Модари хон, Дахмаи Олий каби хонлар қабристони шулар жумласидан. Шунингдек, Мир, Жоме, Муҳаммад Алихон, Моҳларойим, Чалпак, Ҳокимойим, Олий, Султон Муродбек каби масжид, мадрасалар ва бошқа кўплаб диний муассасалар ҳукмдорлар, уларнинг яқинлари ва бошқалар ҳомийлигида бунёд этилган.

Қўқон хонлигининг гуллаб яшнаган пайт бошланишидаги энг йирик иншоот Марғилон шаҳрида қурилган минорали масжиддир. Мазкур иншоотлар Норбўтабий томонидан ўз давлати пойтахтини Марғилонга кўчиришни назарда тутиб қурилган эди. Миноранинг баландлиги 40 сажен (85 м)ни ташкил қилган ва ўша пайтда Марказий Осиёда энг баланд минора ҳисобланган. Аммо 1904 йилдаги зилзила пайтида бу минора қулаб, масжид устига тушиб, бузилиб кетган[24].

1875–1876 йиллардаги статистика маълумотларига мувофиқ, Қўқон ва унинг атрофида 40 та мадраса, 300 та масжид ва 120 га яқин мактаб бўлган[25]. Қўқондаги 40 та мадрасанинг рўйхати рус шарқшуноси Н.П. Остроумов эълон қилган асарда келтирилган[26]. Архивларда 52 та мадрасанинг номлари, уларнинг қурилган саналари келтирилган рўйхат аниқланди[27]. Бу рўйхатга мувофиқ, XVIII асрда қурилган мадрасалардан бугунги кунгача сақланиб қолганлари – мадрасаи Хиштин (1798 йил) ва қисман мазкур мадрасаи Мир биносидир.

XIX асрда Қўқон шаҳрида ҳар бир маҳалланинг ўз масжиди бўлган. Бу даврни ўз кўзи билан кўрган В.И. Масальский қолдирган маълумотларга кўра, шаҳардаги 348 та масжиддан 18 таси жоме даражасида бўлган[28].

Манбаларда бу масжидларнинг аксарияти турли услубдаги гўзал битиклар билан безатилгани зикр этилган[29]. Лекин мазкур ёдгорликлар ё умуман сақланмаган ёки битикларнинг муайян қисмигина етиб келган. Бинобарин, улар алоҳида аҳамиятига эга. Ижодий гуруҳ сақланиб қолган битикларни, ҳатто архивдаги фотосуратлар ва материал-

[20] *Воҳидов.* Қўқон хонлигида тарихнавислик. 100-б; *Турдиалиев.* Хўқанди латиф. 16-б.

[21] *Маҳмуд Ҳаким.* Ҳуллас ат-таворих. в. 6а-б.

[22] *Воҳидов.* Қўқон хонлигида тарихнавислик. 100-б; *Турдиалиев.* Хўқанди латиф. 16-б.

[23] *Бабаджанов.* Кокандское ханство. 384–385-бетлар.

[24] *Бартольд.* Коканд. 462-б.

[25] *Куп.* Некоторые сведения. 161–170-бетлар.

[26] *Остроумов.* Исламоведение. 181–183-бетлар.

[27] ЎзР МДА. И-19-ф. 1-р. 18474-иш. в. 4–4 об.

[28] *Масальский.* Туркестанский край. 700-б.

[29] *Бартольд.* Коканд. 465-б.

ларга суянган ҳолда бўлса ҳам иложи борича аниқлаб ўқишга ҳаракат қилди. Натижада бир қатор ноёб эпиграфик композициялар, усталар, хаттотлар ва қурувчиларнинг исмларини аниқлашга эришилди. Айрим ҳолларда эпиграфик, қўлёзма манбалар ва архив маълумотларини ўрганиш баъзи ёдгорликларнинг қурилиши, ҳомийларнинг исмлари, қурилиш вақти ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, кўп ҳолларда эса илк бор уларни тиклашга имкон берди.

Турли битикларни ўрганиш *насх, настаълиқ, таълиқ, сулс, куфий* ва бошқа кўплаб ҳуснихат турларининг яна ўнлаб услубларини аниқлашга имкон яратди. Бунинг устига, чамаси маҳаллий хаттот ва усталар томонидан бажарилган ушбу ҳуснихатларда айнан маҳаллий услублар қайд этилган. Бу, масалан, мозаикали ва майоликали панноларда сақланиб қолган матнлар ёки рангли охрада бажарилган ишлар, ёғоч, мармар, металл буюмларга ёзилган битиклар ва ҳоказо. Улар мадрасаи Мир, Дахмаи шоҳон, Ўрда қалъаси ва бошқа ёдгорликлар мажмуаларида сақланган.

Ушбу альбомга мақбара-мозор мажмуаларининг бир қисми бўлган Дахмаи шоҳондаги Муҳаммад Аминхон, Умархон қабртошларидаги битиклар, Биби Убайда, Шоҳсалим каби мақбаралар тарихи, ёдгорликнинг эшик ва деворларига, шунингдек, қабртошларга битилган марсиялар (элегия) матнининг шарҳли таржималари ҳам киритилган. Мазкур матнлар ўтмишда машҳур бўлган шахсларга бағишланган бўлиб, тарихий ва маънавий меросимизнинг муҳим бир қисмини ташкил этади. Бундан ташқари ушбу матнлар ҳанузгача ўрганилмаган ва илмий муомалага киритилмаган. Аслида эса битиклар улар билан боғлиқ меъморий мажмуаларнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Шу сабабли, бундай матнлар Фарғона вилояти эпиграфикасига бағишланган мазкур китобдан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Баъзан машҳур шахсларга тегишли айрим қабртошларнинг аниқ жойлашган ўрнини топиш жуда қийин бўлди. Эҳтимол, кейинги тадқиқотлар давомида бу масалага ойдинлик киритиш мумкин бўлар.

Ҳар ҳолда бу ва юқорида зикр этилган сабабларга кўра, ушбу альбомнинг нашрга тайёрланиши шу кунгача тадқиқ этилмаган ёдгорликлар эпиграфикасини, шунингдек, қўлёзмалар, архив материалларидаги маълумотларни комплекс ўрганиш орқали кенг кўламли илмий тадқиқотлар ва бир қатор кашфиётларга сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам ушбу китобда жамланган янги маълумотлар нафақат мутахассислар, балки Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга ҳам қизиқарли бўлиб қолади, деб ишониш мумкин.

Якунда Ижодий гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Фарғона вилояти ва Қўқон шаҳар ҳокимлиги, Фарғона вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, кино-фотоҳужжатлар архиви, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, Фарғона ва Қўқон ўлкашунослик ҳамда адабиёт музейлари, шунингдек, бир қатор ташкилот, корхона ҳамда шахсларга Фарғона ёдгорликлари эпиграфикасини ўрганиш бўйича лойиҳани амалга оширишда кўрсатган ташкилий, илмий-тадқиқот ва молиявий кўмаги учун миннатдорчилик билдиради.

Ижодий гуруҳ

ВВЕДЕНИЕ

В годы независимости большое значение приобрело восстановление объективной истории Узбекистана, воспитание молодежи на примерах добрых традиций прошлого, толерантности и стремления к созиданию. Постижение богатейшей истории нашей страны, возрождение духовности занимают важное место в процессе роста самосознания народа и чувства национальной гордости. Особая роль при этом принадлежит изучению историко-культурного наследия и, в частности, памятников архитектуры и эпиграфики. В этом плане значительную роль играет подготовленная коллективом авторов книга-альбом, посвященная эпиграфике архитектурных памятников Ферганской области и их истории.

Ферганская долина в разные периоды истории входила в состав отдельных государственных образований. С начала XVIII в. по 19 февраля 1876 г. она составляла большую часть Кокандского ханства, являясь его важным экономическим и политическим центром. На территории долины сохранилось множество исторических памятников различных эпох. Как подчеркивал Первый Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов: *«Есть еще одно качество Ферганского вилоята – здесь сосредоточены возведенные в разное время множество исторических памятников, таких как Мадрасаи Мир, Дахмаи Шахан, дахма Мадари-хан, Урда Худаяр-хана и почитаемые нашим народом святыни Пошшопирим, Биби Убайда, Сохиби Хидоя, которые свидетельствуют о высоком зодческом искусстве и о совершенстве творчества наших предков»*[1].

В ранних китайских источниках – Хоуханьшу, Бейши, Таньшу – Ферганская долина (Давань/Дай-Юань, Полона, реже Фар-ги, Фар-ши) характеризуется как богатая область, откуда в Китай доставлены знаменитые «небесные» кони, различные сорта трав и деревьев. Из Ферганы караванные пути вели в Ши (Чач/Ташкент), Самарканд, Бухару и Тохаристан[2]. В начале VIII в. в период походов арабов[3] в Среднюю Азию население Ферганы оказало им упорное сопротивление. После принятия ислама именно отсюда происходил ряд знаменитых мусульманских богословов[4].

В начале IX в. один из первых представителей династии Саманидов (821–999) – Ахмад б. Асад получил в удел Ферганскую долину. Именно отсюда началось возвышение династии. Во время правления этой династии Фергана становится важнейшим политическим, торговым и культурным центром, где развитие получили различные области материальной и художественной культуры, особенно металлического и керамического производств.

Такая же ситуация сохранялась и при Караханидах (992–1211), когда один из городов Ферганской долины – Узгенд стал столицей знаменитого правителя Илека Насра (1002–1020). Крупнейший город Ферганской долины того времени Ахсикент (Ахсикат) – один из крупных и богатых владений Караханидов[5].

В монгольский период, с начала XIII в. – до начала второй половины, в пору правления династии Чагатаев, XIV в., Фергана являлась важным транзитным регионом, хотя изменения направлений международных торговых путей уменьшили значение долины как территории, через которую проходили транзитные торговые пути с Китаем. Все это привело к частичному упадку ремесла[6].

[1] *Каримов И.* Халқ ишончи – олий масъулият. С. 142.

[2] *Хўжаев.* Фарғона тарихига оид маълумотлар. С. 13; *Заднепровский.* Древнеземледельческая культура. С.171–183; *Бабаджанов.* Кокандское ханство. С. 90.

[3] Дополнительную информацию о Фергане смотрите во введениях альбомов, посвященных Андижанской и Наманганской областям.

[4] *Коршев.* Фарғона фиқх мактаби. С. 39–112.

[5] *Бабаджанов.* Кокандское ханство. С. 384–385.

[6] Бабур-наме. С. 32, 57–70 и др.; *Бартольд.* Фергана. С. 527–538; *тот же автор.* Коканд. С. 462–466; *тот же автор.* Туркестан. С. 81, 260–67, 281, 347, 435; *Наливкин.* Краткая история Кокандскаго ханства. С. 3–17; *Бейсембиев.* «Тарих-и Шахрухи». С. 60–73; *Beisembiev.* Ferghana's Contact with India; Livi. The Ferghana Vally. C. 214–222.

В период правления Амира Темура (1370–1405), особенно после его разгрома Золотой Орды, важнейший торговый путь, связавший Китай со странами Европы через Центральную Азию, вновь стал проходить через территорию Ферганской долины. В этой связи здесь наблюдался рост городов, ремесел, сельского хозяйства. Важнейшим центром Фергана оставалась и при Темуридах. В XVI–XVII вв. она входила в состав государств Шейбанидов и Аштарханидов, а в конце XVII в. на ее территории возникает самостоятельное Кокандское ханство, получившее свое название по имени города Коканда.

Интересно отметить, что название «Коканд» в форме – «خوقند/Хуканд»[7] впервые отмечено на медных монетах (фельсах), чеканенных при Караханидах в XI–XII вв., однако локализации ни одного из населенных пунктов это местоположение не подходит. Можно лишь предположить, что название столицы, а затем и государства, в виде архаичной фонемы «Хуканд» было выбрано новой династией неслучайно.

Коканд эпизодически упоминается некоторыми арабскими путешественниками X–XII вв. В частности, ал-Истахри пишет, что Коканд (خواقند) расположен в однодневном переходе от Соха и в однодневном переходе от Ахсиката, то есть примерно в месте нынешнего местонахождения[8]. В книге ибн Хавукала Коканд упомянут как многолюдный город в числе десяти самых крупных областей Ферганы – Верхней Насйа[9]. Анонимный автор книги «Худуд ал-'алам» пишет, что Коканд был многолюдным и имел множество засеянных полей[10].

Другой древний город Ферганского вилоята – Маргилан упоминается в дорожниках арабских путешественников и географов как город средней величины с крепостью и соборной мечетью[11].

Под историко-географическим понятием «Коканд» мы обычно подразумеваем Кокандское ханство с одноименной столицей, основанной на нынешнем месте примерно в конце первой четверти XVIII в. По сведениям кокандских историков (Хаким-хан Тура, Акмал Хуканди, Мирза 'Алим Мушриф, Махмуд Хаким Йайфани и др.), столица была основана на территории селений Таргава и Дихкан-туда в 1153/1740–1741 г. при старшине рода Минг 'Абд ар-Рахим-бие (1722–1734). Некоторые из этих историков приводят хронограмму этого события, найденную в словах: «مظهر آباد» – «Проявление/Олицетворение благоустройства». Числовое значение этих букв хронограммы (абджад) дает искомую дату – 1153 год хиджры. Позже, при его потомке Ирдана-бие (1750–1775/76) и наследниках город был окончательно благоустроен[12]. Род Мингов подчинил себе соседние владения и стал династией, основавшей новое государство, известное как Кокандское ханство. Китайцы признали ханом Норбуту (1770–1799) и установили с ним дипломатические отношения[13].

Вопрос о времени возникновения Кокандского государства остается до сих пор спорным, в научных работах часто указывается 1810 г., то есть год, когда правители новой династии объявили себя ханами. Однако, если принять во внимание тот факт, что одним из главных атрибутов государственности считается создание столицы, то основание небольшого, но суверенного государства Коканд следует отнести ко времени первой половины XVIII в. В этом аспекте следует обратить внимание на то, что первые медные монеты (также один из основных признаков суверенного государства) в Коканде стали появляться примерно во второй половине XVIII в. Правда, они оставались безымянными вплоть до конца правления Ирдана-бия[14].

Необходимо отметить, что *«на протяжении более стопятидесятилетней истории Кокандского ханства его территория не была постоянной. Основное историко-географическое ядро ханства составляла Ферганская долина, которая в источниках относилась к «Пятому климату». Собственно долина опоясана горной грядой (Па-*

[7] Монета из архива к.и.н. *А. Атаходжаева.* Пользуясь случаем, выражаем благодарность за возможность ознакомиться с представленной монетой.

[8] *Бартольд.* Туркестан. С. 314, 315.

[9] *Ибн Хавқал.* Мовароуннахр. С. 80.

[10] Худуд ал-олам. С. 16.

[11] *Бартольд.* Туркестан. С. 314, 315.

[12] О формировании современного Коканда смотрите полные версии авторов: *Бабаджанов.* Кокандское ханство. С. 377–387. В.В. Бартольд, согласно самому последнему источнику «Тарихи Шохрухий», приводит другие даты. Но данная информация устарела (Бартольд. Коканд. С. 462).

[13] *Бартольд.* Коканд. С. 462.

[14] Информация специалиста по нумизматике Центральной Азии В.Н. Настича.

миро-Тяньшанскими отрогами), соединяющейся с западными районами Трансоксианы (Мовароуннахра). В начале XIX века в состав ханства вошли территории Курама (правобережье среднего течения Сырдарьи), Ташкенский оазис, земли юга и юго-запада современного Казахстана, Семиречье и территории вплоть до берегов Иссык-куля. На юге зависимость от Коканда признали горные области Каратегин, Дарваз и Куляб, сохранившие свои исторические названия до сих пор. В состав Коканда был включен Ходженд; соседнее владение Ура-типа тоже часто попадало в вассальную зависимость от Коканда. Крупнейшими областями (включавшими городские центры) в ханстве были Коканд с округой, Маргилан (на юго-западе долины), Ходжент (на западе), северные области Касан (вместе с прилегающим к нему Наманганом), Андижан и Ош (на востоке), Курама (среднее течение Сырдарьи) и Ташкент»[15].

19 февраля 1876 г. после ликвидации Российской империей Кокандского ханства на ее территории была создана Ферганская область, вошедшая в состав Туркестанского генерал-губернаторства. 15 января 1938 г. ей был придан статус области в составе Узбекистана, расположенной на востоке республики в южной части Ферганской долины. Сегодня эта область граничит на севере с Наманганской и Андижанской областями, на юге и востоке – Кыргызстаном, западе – Таджикистаном[16].

Результаты исследований памятников долины Ферганы, являющейся одним из очагов древней цивилизации Узбекистана, показывают, что на этой территории уже в последней четверти II тысячелетия до н.э. повились оседлые поселения земледельцев, затем укрепления и ранние города[17].

Ферганская область была основным экономическим и политическим центром долины. Основное количество сохранившихся исторических памятников находится на ее территории.

Архитектурные памятники Ферганы и отчасти их эпиграфика изучались исследователями А. Писарчик, И. Бородиной, И. Азимовым, С. Васильевым, М. Юсуповой, Я. Кавахарой, Н. Абдулахатовым и другими[18].

В Ферганской долине сохранились единицы памятников эпиграфики раннего (доисламского) времени, и то в основном в виде небольших фрагментов тюркских руниче ских надписей на разных предметах[19].

Что касается мусульманского периода, то эпиграфика этого времени также не радует своим обилием, если не считать некоторые археологические находки (надгробия, фрагменты архитектурной облицовки), которые хранятся в музеях Коканда и Ферганы. Природные катаклизмы, насильственные разрушения во время атеистических кампаний свели количество памятников к минимуму. Сохранившиеся до наших дней эпиграфические надписи относятся ко времени правления династии Минг (начало XVIII века – 1876 г.).

По мнению ученых, в Кокандском ханстве велись обширные строительные и ирригационные работы, большое значение придавалось благоустройству городов и селений. Здесь были возведены десятки мостов, караван-сараев, бань, дорог, сотни мечетей, медресе и мавзолеи[20]. Один из упомянутых историков – Йайфани пишет: *«На месте нынешнего (городского) базара и медресе Алийа (Мир) были построены крепость (Урда) и Высокий Арк, названный «Эски Урда» («Старая крепость»). После того, как был построен дворец, вокруг города были вознесены высокие крепостные стены. В них были устроены несколько ворот: Исфара, Маргинан, Катаган, Ташкентские, Хайдар-бек»*[21]. Позже стены были капитально перестроены и расширены, а количество ворот увеличилось до двенадцати[22].

На территории ханства были возведены несколько резиденций правителей – крепости, дворцы, цитадели, а также усыпальницы кокандских ханов и их жен[23]. Например, цитадель Нарбутабия, 'Умар-хана, Мухаммад-'Али/Мадали-хана (1822–1842), Худаяр-хана, Насриддин-бека и др., усыпальницы ханов Кадам-джай, Дахмаи Шахан, дахма Мадари-хан, Дахмаи 'Али, мечети и медресе Мир, Джами', Мухаммад 'Али-хан, Махлар-айим, Чалпак, Хаким-айим, 'Али, Султан Мурад-бек и др., а также множество других культовых сооружений были построены при покровительстве правителей, их близких и других личностей.

Самым крупным сооружением в период начала расцвета Кокандского ханства являлась мечеть с минаретом в городе Маргилане. Они были построены Нарбута-бием, который намеревался перенести столицу своего государства в Маргилан. Высота минарета составляла около 40 саженей (85 м). Это был самый высокий минарет в Центральной Азии на то время. Однако во время землетрясения 1904 г. он упал на мечеть, после чего она была разобрана[24].

Согласно статистическим данным 1875–1876 гг., в Коканде и округе было около 40 медресе, 300 мечетей и около 120 школ (мактаб)[25]. Список медресе Коканда был приведен в публикации русского ориенталиста Н.П. Остроумова[26]. В архивах мы обнаружили списки 52 медресе с названиями, датами их возведения[27]. Из построенных в XVIII веке на сегодняшний день сохранились медресе Хиштин (1798 г.) и частично медресе Мир.

В XIX веке в каждой махалле города Коканда была своя мечеть. Согласно сведениям В.И. Масальского, жившего в это время, из 348 мечетей города 18 имели статус соборных[28].

В источниках сообщается, что многие из этих мечетей были украшены значительным количеством надписей[29]. Однако большинство из них были либо полностью разрушены, либо уцелела лишь определенная часть надписей на сохранившихся памятниках. Особое значение имеют именно надписи. Творческая группа постаралась зафиксировать и расшифровать максимальное количество сохранившихся надписей, в том числе и по архивным фотографиям и материалам. В результате мы выявили ряд уникальных эпиграфических композиций, имена мастеров, каллиграфов и строителей. В отдельных случаях изучение эпиграфики, данных рукописных источников и архивов позволили уточнить, а чаще всего впервые установить данные о времени строительства некоторых памятников, имена донаторов.

Изучение надписей позволило выявить примерно десяток стилей почерков *насх, наста'лик, та'лик, сулс, куфи* и многих других. Причем часто отмечаются местные стили этих почерков, очевидно, выполненные местными каллиграфами и мастерами. Это, например, тексты, сохранившиеся на мозаичных и майоликовых панно или выполненные цветной охрой, надписи на деревянных и мраморных предметах, металле и т.д. Они оставлены на фасадах таких памятников, как медресе Мир, комплекс Дахмаи Шахан, крепость Урда и других.

В альбом включены надписи на надгробных камнях Мухаммад Амин-хана и 'Умар-хана из усыпальницы Дахмаи Шахан, являющейся составной частью погребально-поминальных комплексов, мавзолеев Биби Убайда, Шахсалим, перевод текстов эпитафий с комментариями, занявших место на дверях и стенах сооружений, а также на надгробных камнях. Их тексты посвящены именитым личностям и составляют важную часть истории комплексов, а также нашего исторического и духовного наследия. Кроме того, эти тексты до сих пор не изучались и не были внедрены в научный оборот, хотя, повторяем, составляют важную часть связанных с ними мемориальных комплексов. По этим причинам они заняли достойное место в книге, посвященной эпиграфике Ферганского вилоята. Хотя иногда трудно установить конкретное месторасположение некоторых надгробий именитых личностей. Возможно, в ходе дальнейших исследований в этот вопрос будет внесена ясность.

Во всяком случае, по этим и названным выше причинам подготовка к публикации альбома яв-

---

[15] *Бабаджанов.* Кокандское ханство. С. 90.

[16] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. X. С. 194–195; *Матбобоев.* Қадимги Фарғона. С. 6.

[17] *Матбобоев.* Қадимги Фарғона. С. 6–7.

[18] *Писарчик.* Полевой отчет; *Воронина.* Народная архитектура; *Бородина.* Дневник; *Азимов.* Фарғона водийси; *Юсупова.* Колониальная архитектура Ферганской долины; Mazar Documents; *Абдулахатов.* Фарғона водийси аҳолиси ҳаётида ziёратгоҳлар ва ҳ.к.

[19] *Васильев.* Графический фонд памятников. С. 41–42.

[20] *Воҳидов.* Қўқон хонлигида тарихнавислик. С. 100; *Турдиалиев.* Хўқанди латиф. С. 16.

[21] *Махмуд Хаким.* Хулласат-таворих. в. 6а.

[22] *Воҳидов.* Қўқон хонлигида тарихнавислик. С. 100; *Турдиалиев.* Хўқанди латиф. С. 16.

[23] *Бабаджанов.* Кокандское ханство. С. 384–385.

[24] *Бартольд.* Коканд. С. 462.

[25] *Кун.* Некоторые сведения. С. 161–170.

[26] *Остроумов.* Исламоведение. С. 181–183.

[27] ЎзР МДА. 19-ф. 1-р. 18474-ш, в. 4-4 об.

[28] Туркестанский край. С. 700.

[29] *Бартольд.* Коканд. С. 465.

CHIRCHIQ SANOAT KASB-HUNAR KOLLEJI
"AXBOROT RESURS MARKAZI"
№ 33
"04" 10 2017 y

ляет собой предмет обширных научных исследований и ряда открытий благодаря комплексному изучению неизвестной до сих пор эпиграфики памятников, а также данных из рукописей, архивных материалов. Поэтому мы уверены, что новые данные, собранные в этой книге, будут интересны не только специалистам, но и всем, кто увлекается историей нашей страны.

В заключение творческая группа выражает свою благодарность Кабинету Министров Республики Узбекистан, хокимияту Ферганской области и города Коканда, региональной государственной инспекции по охране и использованию объектов культурного наследия Ферганской области, Центральному государственному архиву и архиву кинофотофонодокументов Республики Узбекистан, Национальной библиотеке имени Алишера Навои, краеведческим и литературным музеям Ферганы и Коканда, также ряду организаций, предприятий и лиц, которые оказывали организационную, научно-исследовательскую и финансовую поддержку в осуществлении проекта по изучению эпиграфических памятников Ферганы.

Творческая группа

INTRODUCTION

In the years since independence, Uzbekistan has attached a great deal of importance to the restoration of its objective historyб bringing of the youth on the basis of good traditions of the past, tolerance and aspiration for creativity. Understanding the rich history of our country and revival of spirituality hold an important place in boosting the nation's self-awareness and feelings of national pride. A special role in this sense is given to the study of the historical and cultural legacy and in particular architectural and epigraphic landmarks. This book-album about the history of architectural monuments in the Fergana Region and inscriptions on them plays a significant role in this regard.

Throughout history, the Fergana Valley has been part of separate state formations. From the early 18th century to February 19, 1876, it was a large part of the Kokand Khanate, being its economic and political pivot. This area is home to a multitude of historical monuments of various ages. In the words of the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov: *«There is one more peculiarity of the Fergana region: numerous historical monuments created at various times, such as Madrasai Mir, Dakhmai Shahan, Dakhma Modari-khan, Urda of Khudayar-khan and such sacred places revered by our people as Poshshopirim, Bibi Ubaida, Sokhibi Khidoya which give evidence of the high art of building and creative excellence of our ancestors are concentrated here»*[1].

In early Chinese sources, the Hou Han Shu, Beishi and Tangshu, Fergana, or Davan/Dai-Yuan, rarer Far-ghi, Far-shi) is described as a wealthy area from which caravan laden with horses, various herbs and trees, led to Shi (Chach/Tashkent), to Bukhara and Tokharistan.[2] In the early 8th century, during Arabic conquests[3] of Central Asia, the population of Fergana maintained strong resistance to Arabs. After the advent of Islam, a number of renowned Muslim theologians came from here.[4]

At the beginning of the 9th century, one of the first representatives of the the Samanid dynast, Akhmad b. Asad (821–999), received the Fergana Valley as a domain. And this is where the growth of this dynasty started. During the rule of this dynasty, Fergana becomes a key political, trading and cultural hub, where various areas of material and artistic culture, especially metalwork and ceramics, were developed.

A similar situation was maintained under the Karakhanids (992–1211), when one of the cities of the Fergana Valley, Uzgend, became the capital of famous Ilek Nasr (1002–1020). The largest city of the Fergana Valley, at the time Akhsikent (Akhsikat), also became one of the biggest and richest domains of the Karakhanids.[5]

In the Mongolian period, from the early 13th century to the latter half, during the rule of the Chagatai Dynasty, Fergana was an important transit region though the changed world trade routes downgraded the significance of the valley as a territory through which ran the routes of trade with China. All this led to a partial decline of crafts.[6]

During the reign of Amir Timur (1370–1405), especially after the defeat of the Golden Horde, the

[1] *I.Karimov*. Halq ishonchi – oliy mas'uliyat. Page 142.
